

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 9 Jild 4

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 9 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохид Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

MUNDARIJA

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Xaynazarov Baxromjon Baxtiyorovich</i> RIVOJLANGAN O'RTA ASRLARDA PIRENEY YARIM OROLIDAGI KORTESLARNING JAMIYAT HAYOTIDAGI O'RNI	10-14
<i>Azizbek Xolliyev</i> XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA ROSSIYA TOG'-KON SANOATIDA BRITANIYA SARMOYASINING TUTGAN O'RNI	15-20
<i>Mahkamov Abdiqayum Mahkamovich</i> SUDYALAR OLIY KENGASHINING SUDYALAR KORPUSINI SHAKLLANTIRISHDA TUTGAN O'RNI (TARIXIY TAHLIL)	21-25
<i>Eshimov Shaxridin Xujayorovich</i> SUD – HUQUQ TIZIMIDAGI TARG'IBOTCHILIK FAOLIYATI VA MA'NAVIY – MA'RIFIY ISHLAR (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA)	26-31
<i>Намазова Умида Нормурадовна</i> ИЛК ЎРТА АСРЛАР СУҒДДА НИКОҲ: ШАКЛЛАНИШИ, ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ	32-41
<i>Самадов Искандар Исматович</i> ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (ХХСР)ДА ЕР-СУВ МАСАЛАСИ	42-48
<i>Rustamova Madina Musoqulovna</i> SAMARQAND VILOYATI XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN, TA'LIM VA INNOVATSIYALARGA QO'SHGAN HISSASI	49-56
<i>Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna</i> SOVET DAVRIDA KITOB TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA AMALIYOTLARI...	57-64
<i>Tursunov Javlonbek Akrom o'g'li</i> MUQADDAS QADAMJOLAR. SAMARQAND SHAHRINING TARIXIY TOPONOMIYASINING MUHIM TARKIBIY QISMI	65-68

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

<i>Tolipova Baxtigul</i> MAMLAKAT OZIQ-OVQAT SANOATIGA YO'NALTIRILGAN INVESTISIYALARNING EKONOMETRIK TAHLILI	69-77
<i>Mamanazarov Abdusamat Abdusaitovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA PUL-KREDIT SIYOSATI KO'RSATKICHLARI TAHLILI	78-83
<i>Амбарцумян Анастас Алексеевич, Хасанова Руфина Раисовна</i> ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ	84-96
<i>Meliyeva Nargiza Eshboyevna</i> INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA RIVOJLANGAN DAVLATLARING TAJRIBASI	97-104

<i>Исраилов Рустам Ибрагимович</i> КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	105-109
<i>Jumaniyazov Inomjon To'raevich</i> APPLICATION OF ESG PRINCIPLES IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN INVESTMENT FUNDS	110-120
<i>Amonov Navro'zxon Saloxiddin o'g'li</i> MINTAQAVIY MEHNAT BOZORIDAGI ISHCHI KUCHIGA TALAB VA TAKLIFNI ISTIQBOLLASHTIRISH YO'LLARI	121-129
<i>Mirxamidova Zahinabonu Mirxamid qizi</i> ROBOTLASHTIRISH DAVRIDA MEHNAT BOZORINING O'ZGARISHI: TO'RTINCHI SANOAT INQILOBI MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI.....	130-138
<i>Kalbayev Muratbay Aytbaevich</i> AYLANMA MABLAG'LARNI TAHLIL QILISH METODOLOGIYASI	139-144
09.00.00 – FALSAFA FANLARI	
<i>Ernazarova Yorqinoy Ollaberganovna</i> RIVOJLANGAN DAVLATLARDA KADRLAR XIZMATINI TASHKIL ETISH: ODOB-AXLOQ QOIDALARI VA KASBIY MADANIYAT TALABLARIGA RIOYA ETILISHINI TA'MINLASH MEXANIZMLARI	145-155
<i>Ahrorova Shahlo O'rinboyevna</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY QADRIYATLARNING TAKOMILLASHUVI JARAYONI	156-161
<i>Рахманов Баҳодир</i> АЛИШЕР НАВОЙИ КОМИЛ ИНСОН КОНСЕПСИЯСИДА СИНЕРГЕТИК ҲОЯЛАР ИНЪИКОСИ	162-170
<i>Нуралиева Насиба Ахмадқуловна</i> ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ	171-176
10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
<i>Fayzulloev Otabek Muhammadovich</i> KATTALAR FOLKLORINING TARKIBIY QISMI – BOLALAR FOLKLORI HAQIDA.....	177-184
<i>Тоқимбетова Гулбахор Абатбаевна</i> ЎЗБЕК-ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ИРФОНИЙ ОБРАЗЛАР	185-190
<i>Yusupova Sadokat Alijon qizi</i> “BOBURNOMA”NING YAPONIYADA O'RGANILISHI	191-197
<i>Xudoyberdiyeva Gulmira Allaberdi qizi</i> JAHON TILSHUNOSLIGIDA POLISEMIYA HODISASIGA LINGVISTIK YONDASHUV (RUS VA INGLIZ TILSHUNOSLIGI MISOLIDA)	198-201
<i>Tangriyev Valisher Azamovich</i> SOMATIK IFODALAR ORQALI BERILGAN PARALINGVISTIK VOSITALARNING QIYOSIY TADQIQI: “ANOR” HIKOYASI MISOLIDA	202-206

<i>Abulova Zilola Azimovna</i> INGLIZ AFORIZMLARINING TARKIBIDA BIR JUMLA HAMDA QO'SHMA GAPLAR BILAN IFODALANGAN AFORIZMLAR XUSUSIYATLARI	207-201
<i>Qurbonova Dilnoza Olimovna</i> TYPES AND FUNCTIONS OF ADVERTISEMENT IN ENGLISH AND UZBEK.....	210-216
<i>Quljanova To'lg'anoy Shodiyor qizi</i> ASQAR MAHKAM IJODIDA BUVI OBRAZINING O'ZIGA XOSLIGI	217-221
<i>Babajanova Aziza Rustamovna</i> ABDULLA ORIPOV SHE'RIYATIDA BAHOR MAVZUSINING BADIY TALQINI	222-227
<i>Khursanova Laylo Bakhtiyarovna</i> REPRESENTATION OF THE CONCEPT OF "PATIENCE" IN SPECIAL ENGLISH DICTIONARIES	228-232
<i>Diyorova Mohlaroyim Xamza qizi</i> O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA SIFAT SO'Z TURKUMI TADQIQI	233-238
<i>Samadova Visola Baxtiyor qizi</i> INGLIZ, O'ZBEK VA RUS TILLARIDA ANTONIM KOMPONENTLI FE'L FRAZEOLIGIK BIRLIKRLARNING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI	239-242
12.00.00 – YURIDIK FANLAR	
<i>Tўлаганова Гулчехра Захитовна, Гофурова Дилафруз Мурод қизи</i> АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ ВА ВЕРСИЯЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	243-252
<i>Tosheva Maftuna Anvar qizi</i> INSON A'ZOLARI VA TO'QIMALARINING TRANSPLANTATSIYASI BILAN BOG'LIQ JINOYATLAR	253-262
<i>Ikramov Sherzod Raximdjaniyovich</i> VOYAGA YETMAGAN SHAXSLARNI MODDIY TA'MINLASHDAN BO'YIN TOVLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	263-266
13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI	
<i>Tohirova Mohigul Umir qizi</i> KO'RISHDA NUQSONI BOR SHAXSLARNING IJTIMOYIY UMIDSIZLIK DARAJASINI PSIXOLOGIK O'RGANISH. (L.I.VASSERMANNING "IJTIMOIY FRUSTRATSIYA (UMIDSIZLIK) DARAJASINI DIAGNOSTIKA QILISH METODOLOGIYASI" ASOSIDA)	267-274
<i>Nasriddinov Dadaxon Komiljonovich</i> OLY HARBIY TA'LIMDA FIZIKA O'QITISH SAMARADORLIGINI MOBIL ILOVALAR VA ROBOTOTEXNIKA ELEMENTLARI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN OLIB BORILGAN PEDAGOGIK TAJRIBASINOV ISHLARI VA ULARNING NATIJALARI	275-281
<i>Xojaniyazova Inkar Jumanazarovna</i> BOSHLANG'ICH TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA DIDAKTIK MATERIALLARDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARINI KENGAYTIRISH MASALALARI	282-292
<i>Ashurova Marhabo Sayfulloyevna</i> BUXORO JADIDLARI VA YANGI USUL MAKTABLARIDA O'QITISH IMKONIYATLARI	293-301

<i>Алимова Нигора Исраиловна</i> ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА В ОБРАЗОВАНИИ И ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ, НАХОДЯЩИХСЯ НА ДЛИТЕЛЬНОМ ЛЕЧЕНИИ	302-308
<i>Matajonova Gulnoza Karimovna</i> IJTIMOIY FANLARNI TEXNIKA YO'NALISHI TALABALARIGA O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI	309-313
<i>Axmadjanova Madina Maxmudjon qizi</i> GRAMMATIK MINIMUM VA UNI O'QITISH METODLARI	314-319
<i>Norboyev Zafar Abdumuminovich</i> OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA CEFR ME'ZONLARI ASOSIDA YANGI AVLOD DARSLIKLARINI YARATISH TEXNOLOGIYALARI	320-323
<i>Axmedova Zuxraxon Tulyanbayevna</i> QO'L TO'PI O'YININING JISMONIY JIHATDAN O'QUVCHILARNING O'QISHNI TUSHUNISHLARIGA TA'SIRI	324-329
<i>Юсупова Заррина Курбоновна</i> УНИКАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ И ВЫЗОВЫ В РАЗВИТИИ ЦИФРОВОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ	330-334
<i>Ravshanova Xafiza Komilovna</i> МАКТАБГАЧА ТА'LIM TASHKILOTI TARBIYACHILARIDA TANQIDIY FIKRLASH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY ASOSLARI	335-340
<i>Nurbayeva Xolniso Uralovna</i> GENDER STREOTIPLAR GENDER MADANIYATNING TARKIBIY QISMI SIFATIDA	341-345
<i>Samatova Shohsanam Xolmuhammad qizi</i> BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TIZIMLI FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISH MUHIM PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA	346-351
<i>Mustayeva Guliston Bo'riboyevna</i> TIBBIY TA'LIMDA AKS ETTIRISH AMALIYOTINING AHAMIYATI: UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA KO'MAKLASHISH	348-356
<i>Ahmedbekova Maxpuzaxon</i> TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA O'QUVCHILAR BILIMINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK VA INNOVATSION JIHLTLARI	357-362
<i>Utkirov Abbos Meyliyevich</i> ARTIFICIAL INTELLIGENCE IMPACT ON HIGHER EDUCATION QUALITY AND EFFICIENCY	363-388
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i> BOSHLANGICH SINIF O'QUVCHILARIDA MATEMATIKA FANI ORQALI TANQIDIY-TAHLILIIY HAMDA MA'LUMOTLARNI TAHLIL QILISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH USULLARI.....	389-393
<i>Maxliyo Qalandarova</i> UMUMTA'LIM MAKTEBLARIDA MATEMATIKA DARSLARIDA O'QUVCILARNING MOLIIYAVIIY SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISH SHAKLLARI VA USULLARI.....	394-399

Received: 30 August 2024
Accepted: 5 September 2024
Published: 15 September 2024

Article / Original Paper

REFLECTION OF SYNERGETIC IDEAS IN THE CONCEPT OF THE IDEAL MAN BY ALISHER NAVOI

Rakhmanov Bahodir

Doctor of Philosophy, Samarkand State University

Abstract. The article discusses such ideas as human perfection, being and moral norms promoted in the work of the great thinker Alisher Navoi, who played an important role in the development of philosophy of the XV century. Navoi's philosophical views, his understanding of the process of self-realization and self-organization are also explored, and the importance of the thinker's legacy for the modern world is pointed out. In addition, the poet's life path, his interaction with contemporaries and the influence of other great thinkers were analysed. The author emphasizes that the ideas of humanism and interethnic friendship of Alisher Navoi should be discussed from a synergistic point of view.

Keywords: Alisher Navoi, philosophy, self-awareness, humanism, being, perfection, synergetics, synergetics, spiritual heritage.

АЛИШЕР НАВОЙИЙ КОМИЛ ИНСОН КОНСЕПСИЯСИДА СИНЕРГЕТИК ҒОЯЛАР ИНЪИКОСИ

Рахманов Баҳодир

Фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети

Аннотация. Мақолада XV аср фалсафасини ривожлантиришда муҳим рол ўйнаган буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодида тарғиб қилинган инсон камолоти, борлиқ ва ахлоқий меъёрлар каби ғоялар муҳокама қилинган. Шунингдек, Навоийнинг фалсафий қарашлари, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёни ҳақидаги тушунчалари ўрганилиб, мутафаккир меросининг замонавий дунё учун аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, шоирнинг ҳаёт йўли, унинг замондошлари билан ўзаро муносабати ва бошқа буюк мутафаккирларнинг таъсири таҳлил қилинган. Муаллиф Алишер Навоийнинг гуманизм ва миллатлараро дўстлик ғояларини синергетик нуқтаи назардан муҳокама қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, фалсафа, ўз-ўзини англаш, инсонпарварлик, борлиқ, комиллик, синергетика, маънавий мерос.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I9Y2024N20>

Кириш. XV аср жаҳон тафаккур тараққиёти ва маънавияти юксалишига улкан ҳисса қўшган буюк ўзбек шоири, мутафаккири Мир Алишер Навоий (1441-1501) ўз ижодиётида, ҳаёти давомида фалсафий ғоялар ва инсоннинг баркамоллигига оид таълимотларни кенг тарғиб қилди. Айнан унинг қарашларида борлиқ, коинот, ҳаёт, ахлоқий меъёрлар, инсон муаммоси, комил инсон концепцияси асослари ва омиллари ҳамда ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини тарбиялаш каби синергетик ғоялар ўз аксини топган.

Темурийлар хонадонидан бўлган Алишер Навоий ўз замонасидан то ҳозирги кунга қадар комил инсон сиймоси ҳисобланади. Сабаби у инсон қандай қилиб ўз-ўзини билиши, ўз-ўзини англаши, ақлий ва нораціонал томонларини ривожлантириши, ўз-ўзини бошқариши каби хусусият ва фазилатларни фалсафий мушоҳада қилган. Серқирра ва сермахсул шоирнинг фалсафий қарашлари кенг қамровлигини инобатга олиб, мавзуимиз доирасида унинг борлиқ, коинот, инсон ва комил инсон ҳақидаги фалсафий ғояларини тадқиқ этишни жоиз деб билдик.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўз давридаёқ шону шуҳрат, ақлу тафаккур, истеъдод ва иззат-икром билан машҳур ва манзур бўлган Навоийнинг ҳаётий йўли осон кечмади. Гарчи илм олиш, таҳсил қилишга унга барча шароитлар яратилган бўлса-да, унинг тафаккур тарозиси билан тортилганда, баъзи бир авом, нодон, саводсиз одамлар аҳли орасида тафовут катта эди. Шу боис ўз давридан маънавий жиҳатдан илгарилаб кетган улуғ мутафаккирга ҳамсабоқ ва ҳамсуҳбат, мубоҳиса қиладиган шахслар ниҳоятда кам эди. Чизиқли тафаккур эгаларига нисбатан ночизиқли тафаккур соҳиби Навоий эса донишманд шахслар суҳбати ва дийдорига эҳтиёж сезган:

«Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд эмас»,

Мени истар кишининг суҳбатини кўнглам писанд этмас [1].

деб ёзганда шоир ўша ҳолат ва жараёнларни назарда тутган. Мушоҳада қилсангиз, у ўзи орқали инсон психологиясидаги тафовут, зиддиятни кўрсатиб ўтган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича илмини мустаҳкамлаш ва тафаккурини кенгайтириш мақсадида Самарқандга ташриф буюрган Навоий ўша «руҳий озуқа» манбаини топгандек бўлади. Жумладан, бир қанча олиму фузалолар қатори Абдурахмон Жомийнинг шахсига нисбатан эътибори ва ҳурмати ошиб, ушбу шахс билан мустаҳкам дўстлик ва биродарлик риштасини боғлайди. Устози Жомийдан нафақат адабиёт, фалсафа, тасаввуф илмидан, балки комил инсон хусусиятлари борасида ҳам сабоқ олади. Бу фикрларни исботловчи бир қанча тарихий далил ва асарлар борки [2], уларнинг устоз-шогирд ва ўзаро адабий алоқалари халқлар ўртасидаги адабий ҳамкорлик ва дўстлик аъъаналарини давом эттиришда муҳим бўлиб, уни ўрганиш, тадқиқ этиш соҳа мутахассисларининг янги илмий тадқиқотларига айна муддао ҳисобланади. Зеро Жомий ҳазратлари ва улуғ мутафаккир Навоий ўз замоналарининг етук файласуфлари сифатида янги адабий ва илмий йўналишларни кашф этишга муваффақ бўлишган.

Навоий шахсиятини ўрганганда, уни ўз-ўзини ташкиллаштира олган, том маънодаги комил инсон сиймоси сифатида нафақат илмий дарсликлар, балки ўрта мактаб дарсликларида ўргатиш лозим. Чунки узоқ ўтмишида (масалан, Зардушт, Арасту, Суқрот, Муҳаммад пайғамбар, Амир Темур, Ҳотам Той, Хўжа Хизр ва ҳ.к.) ва ўз замонаси сиймоларида комил инсон тимсолини кўрган, уларнинг ўзига хос хусусият ва сифатларини англаб мушоҳада қилган Навоий табиийки комилликка интилиб яшаган ва шу ғоялар асосида бебаҳо маънавий мерос қолдирган. У халқ орасида инсонпарварлик ғояларини ёйди, турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни улуғлади. Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар сингари мукамал жамият ҳақида фикр юритди. Шоир мамлакат ободончилиги, равнаки ва осойишталиги йўлида кўп ишлар қилди [3;139].

Бу буюк эътироф ва бадий ижодга бўлган қобилиятга баҳо бериш бежиз эмас. Зеро ҳозирги замон илм-фани технологияси ютуқлари билан таққослаб, бир инсоннинг ўртача ижодий қобилияти ва меҳнат маҳсулини муайян қилиб, уни Навоий ҳаёти ва

ижодиёти билан таққослаганда, табиийки, Навоий шахсиятидаги “вундеркинд”лик ва параспсихологик ҳолатлар ва даҳоликнинг аниқ илмий-назарий исботини топиш мумкин. Шу нуқтаи назардан янги авлод тадқиқотчиларига Навоийдаги бу қадар ўзига хослик, ақлбовар қилмас даражадаги ижод маҳсули ва самарасининг асрори ва омилларини топишда кенг тадқиқ этишни, чуқур илмий ёндашув асосида таҳлил қилишни тавсия этмоқ мумкин.

Навоий замондошларидан бири шоир А.Шерозий ўзининг «Қасидан маснўъ дар мадҳи Мир Алишер Навоий» (Мир Алишер Навоий мадҳига ёзилган маснўъ қасида) номли қасидасида Навоий шахсиятига юксак баҳо беради. Мураккаб бадиий санъат билан ёзилган ушбу шеърнинг ҳар бир байтида Ҳазрат Навоийнинг буюк тарихий хизматлари, эзгулик йўлидаги фидойиликлари, ижодий маҳоратини баён этишга ҳаракат қилган. Н.Комилов таъкидлаб ўтганидек, «Аҳлий Шерозий қасида муқаддимасида Навоий «давлат, дунё ва диннинг низомини сақловчи Ҳақ таолонинг вакили» дея таърифлаб, қуйидаги шеърни келтиради:

Он ки нашъу намоӣ гулшани даҳр.

Ҳама аз офтоби ҳиммати ўст.

Сурхрӯйи аҳли фазл имрӯз,

Чун ақиқ аз Суҳайли давлати ўст.

(Дунё гулшанининг яшнаши унинг ҳиммати қуёшидандир: бугун фазл аҳли юзининг қизиллиги унинг давлатининг лаъли конидандир). Мана шу ғоя, яъни мамлакат маънавий камолотининг сардори ва мададкори эканлиги қасидада ғоят таъсирчан, чиройли тасвирлар воситасида изчил очиб берилди» [4;279].

Муҳокама. Албатта, Ҳазрат Навоийнинг шахсияти вакиллиги борасида бу каби юзлаб мирсаларни келтириш мумкин. Асосий муддао эса комил инсоннинг фазилат ва хусусиятлари комил инсон концепцияси яратувчиларидан бири Навоийда мавжудлигини исботлашдир. Шу ўринда Н.Комиловнинг қуйидаги сўзлари ўринлидир: «Воқеан, адабиётнинг ўзи комиллик белгиси, комил сўз, комил маъно ва комил тафаккур ифодаси. Буларни эгаллаган инсон комил хилқат бўла олади. Демак, улуғ Алишер Навоийнинг ўзи комил инсоннинг ёрқин тимсолидир» [5;148]. Дарҳақиқат, ўзида ўз-ўзини ташкиллаштирувчи асосларни жамлаган шахслардан бири сифатида Навоий ҳаёти давомида бошқа одамларни ҳам комилликка даъват этган. Қ. Назаров таъкидлаганидек, “Алишер Навоий ўз даври кишиси сифатида ўрта аср маданияти, онги ва тафаккури, қадриятлар руҳида тарбияланган, демак, ўша замон ҳаёт тарзи ва маданиятининг ўзаги бўлмиш таълимотлардан четда шаклланиш имкони йўқ эди. Аллома амалда айнан ана шундай таҳсил ва тарбия топган, комил инсон бўлиб етишган. Шунинг учун ҳам Навоий қарашларида изчил тарзда унинг комил инсон тўғрисидаги тамойили ҳам бутун моҳияти билан намоён бўлган. Аввало, комиллик, Навоий фикрича, инсоннинг инсонийлик табиати, имкониятлари ва маънавияти чегараларидаги комилликдир” [6].

Улуғ шоир ўзининг бой адабий меросида комил инсоннинг маънавий қиёфасини ярата олди. У ижодидаги бир қанча тарихий ва тўқима образлар сиймосида, жумладан Суқрот, Арасту, Хўжа Хизр, Фарҳод, Нақшбанд ва Жомий каби мутафаккирлар мисолида комил инсонни кашф этади. Бу хулосага келишдан олдин, Навоий юқоридаги тарихий шахсларнинг ҳаёт-фаолиятлари ва фалсафий-ахлоқий таълимотлари ўрганади.

Қуйидаги байтларда мутафаккир нафақат антик давр тарихи ва фалсафасидан хабардорлигини, балки уни мукаммал ўзлаштирганини Фарҳод образи орқали қуйидагича баён қилади:

*Учинч Искандари Румий тилисмин
Ки очтим тенг қилиб ер бирла жисмин.
Бўлуб тўртунч Арастуға рақамкаш,
Ки ғори ичра кирдим аждаҳоваш [7;147].*

Шунингдек, «Ҳайрат ул-аброр», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» ва “Садди Искандарӣ” дostonларидаги қаҳрамонларни, уларнинг тилларидан айtilган фалсафий-ахлоқий сўзларни келтириш мумкинки, Навоий бу асарларида ўз давригача бўлган фалсафий таълимотлар ҳақида фикр юритиб, ўзининг фалсафий таълимотини, жумладан, комил инсоннинг фалсафий концепсияси ҳақида ўз қарашларини шеърӣ тарзда ифодалайди.

Навоий комил инсонни илоҳий сифатлар мужассамлашган, ақл-идрок даражаси юқори, иймон-эътиқодли, пок, ҳалол, тўғрисуз ва ўзини англаган, Худо яратган шахс деб айтади. Шунинг учун комил инсоннинг баркамоллик даражаси юқори бўлгани сари Аллоҳга яқинлашади. Ақли кулл соҳиб Аллоҳ олдида эса комил инсон ожизлик қилади. Аммо Яратганнинг асл муддаоси инсон билан боғлиқлиги ва унинг энг шариф мавжудот эканлигини Навий қуйидагича талқин этади:

*Мунча ғаройибки мисол айладинг,
Борчани миръоти жамол айладинг,
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди...
Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг [8].*

Яъни мавжудот, барча тириклик ичра энг улуғи ва азизи инсон ҳисобаланад экан, инсон ҳам шунга муносиб ҳаёт кечириши лозим. Шу боис шоир одамни мукаммаллик сари Ҳақни англаш ва муносиб яшашга ундаб, гўзал хулқ ва фазилат эгаси бўлишга даъват этади.

Тадқиқотчи Б.Турсунов Алишер Навоийнинг комил инсон концепциясини ёшлар қалбига сингдиришда синергетик методологиянинг ўрни ҳақида тадқиқот олиб бориб, мутафаккирнинг инсон ҳақидаги фалсафий фикрларига синергетика нуқтаи назаридан ёндашишга уринади ва қуйидаги фикрларни баён этади: “Алишер Навоий асарларида илгари сурилган башарни шарафловчи жамики фазилатларни комил инсон концепциясининг устувор жиҳатлари дейиш мумкин. Шоир имон, қаноат, саховат, илм-маърифат, вафо, ҳиммат, хоксорлик, адолат, адаб каби сифатларни ўз асарларида турли воқеалар баёнида қайта-қайта таъкидлаб ўтади:

*Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишони анга имон эрур [9;103].*

Дарҳақиқат, “Навоий асарларидан баҳра олиш, таъсирланиш, руҳий озикланиш ва шу орқали ўз-ўзини тарбиялаш шоир яратган адабий сиймолардан ибрат олиш демакдир” [10]. Шундай экан, комиллик кишига ҳаёт рўпара қилган нарсаларнинг барчасини ўрганишга интилиш, иродани кучайтириш, ўз-ўзига талаб ва қоидалар яратиш, ўзини ақлан ва жисмонан мукаммаллаштириш, бардошга ва сабр-тоқатга

ўргатиш, хулқ-атворидаги салбий иллатлардан фориғ бўлиш кабилардан иборат. Зеро, ҳамма нарсанинг ибтидоси кишининг маънавий мукаммаллашувидир [11;37].

Шубҳасиз, одоб-ахлоқ жуда мураккаб таркибий тузилма бўлиб, унда кўп сонли элементларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати инсоннинг хулқ-атворини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, синергетика ғояларининг фалсафий тадқиқотларда қўлланилиши қонунийдир. Ахлоқ-одоб объекти учун синергетика ўрганадиган тарқоқлик, беқарорлик, алоҳидалик, мураккаблик, иерархиялик ва ҳатто ночизиқлик каби тизимдаги барча хусусиятлар хосдир [12].

Тадқиқотчининг бу каби иқтибос ва фикрлари қайсидир маънода Навоийнинг фалсафий таълимотини тушунишга ёрдам берса-да, тадқиқотда шоирнинг аниқ ва фалсафий таълимотидаги синергетик ғоялар етарли даражада келтирилмайди. Қолаверса, Б.Турсуновнинг ушбу диссертатсия ишида Навоийнинг ғоялари кўпроқ диний таълимот ва дин фалсафаси билан қиёслаш ҳолатлар кўп учрайди.

Алишер Навоий инсонни энг улуғ ва муҳим моҳият сифатида билса-да, уни Яратганнинг мавжудлиги инъикоси сифатида талқин этган. Инсон қатори барча борлиқ, табиат, коинот ҳам Мутлақ борлиқ (яъни Аллоҳ.Б.Р.) изми ва маълум бир қонунияти асосида мавжуд ва ҳаракатдадир. Бу борада мутафаккирнинг коинот борасидаги фикрлари ҳам эътиборга моликдир. Унинг фалсафий мушоҳидасига кўра, борлиқ, коинот, ҳаёт ва инсоннинг пайдо бўлиши мутлақ борлиқ ҳаракати ва иродаси билан боғлиқдир:

*Чу бир жунбиш этти аён баҳр-и зот,
Падид ўлди амвожидин коинот* [13].

Мазкур байтни кенгроқ мушоҳада этсангиз, шоирнинг Буюк портлаш эффекти назариясини ўзига хос тарзда баён этганини ҳам фаҳмлаш мумкин.

Яна бир эътиборли томони, синергетика илмидаги тартибот, ўзаро боғлиқлик ва системаларнинг ўзаро алоқадорлиги ғоялари Навоийнинг борлиқ ҳақидаги қуйидаги мисраларида ўз аксини топган:

*Қатрагача қулзум-и заххордин,
Заррагача шамса-йи заркордин.
Они мунга, мунг анга банд этиб,
Бир-бирига барчани пайванд этиб.
Воситалар бўлди аён тў-батў,
Бир-бирига боғланибон мў-бамў* [14;239].

Мутлақ борлиқ сифат ва хусусиятларини ўзида акс эттирган инсоннинг ички муҳим элементлари ҳам шу даражада ўзаро боғлиқлик ва уйғунлик асосида ривожланади. Бунда эса ички барқарорлик ва ўзаро алоқадорлик, ташқи таъсир омиллари муҳим ўрин тутди. Бу ўз навбатида синергетикадаги системаларнинг хусусиятларини ифодалайди. Инсон ҳам мураккаб система сифатида ўз ички оламини назорат қилиши, тарбиялаши ва унинг барқарорлигини сақлашига масъулдир. Шунинг учун инсон ўзини анлаши, ночизиқли тафаккур тарзи орқали ҳаёт кечириши, муаммо ва масалаларни ҳал этиши жоиз. Шу маънода Навоий айтади:

*Деди: “Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод
Улум ичра манга то бўлди мадҳал,*

Топилмас мушките мен қилмағон ҳал [15;132].

Яъни ўзимдан ўзга барча муаммоларни ақл-идрок ва теран тафаккур орқали ҳал этиш мумкин. Инсон ўзини англаш орқали уни ўраб турган атроф муҳитга, реалликка, ўтмиш моддий маданият излари, дин, фалсафа, маънавий мерос объектлари каби киши табиатини акс эттирувчи турли йўналишларга янгича тафаккур кўзи билан қарайди. Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи материя сифатида бой маънавий меросни ўрганиш асосида такомилнинг янада юқори поғонасига кўтарилади. Шахс томонидан янги сифатларнинг ўзлаштирилиши ўз-ўзини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бўлиб, бунда ночизиқлик ва диссипацияларнинг ўзаро мувофиқлиги, ҳар қандай кескинликлардан оғиш структуранинг барқарорлигини таъминлаб беради [16;60]. Чунки кучли ички номувозаналилик, ташқи таъсирнинг кучайиши ёки диссипатсия инсонни структура ва система сифатида вайрон қилади.

Навоий инсоннинг ақл идроки ва ночизиқли тафаккури кучига берган таъриф ва фалсафий изоҳидан англаш мумкинки, бугунги кунда маънавий ва ахлоқий қадриятлар замирида кечаётган ўзгаришлар инсониятни қутқариш сирлари ва йўллари унинг ўзидан, руҳидан ва тафаккуридан қидириш лозимлигини кўрсатмоқда [17].

Тасаввуф намояндаларидан бўлган Алишер Навоийнинг фикрича, инсон ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштиришга лаёқатли бўлган ягона мавжудотдир. Тасаввуф, умуман олганда, инсонни камолга етказиш назариясидир [18;12]. Унга кўра Яратгanning изни ва кўрсатмаси асосида инсон аввало ўзини англаши, ўзини билиш ва тарбиялаши, руҳан ва жисман покланиши, ақл тафаккур асосида адолат мезонларини бузмасдан ижтимоий муносабатларга кириши, моддий бойлик ва нафсга, хирсга берилмаслиги, маърифат ила камолот сари интилиши лозим. Бу йўлда эса ахлоқий фазилатлар ва юксак билим муҳим ҳисобланади. Бу ўз навбатида инсоннинг салбий беқарорлиги ва бифуркатсион жараёнларнинг олдини олишига ва ривожланишига хизмат қилади ҳамда комил шахс сифатида шаклланишига асос бўлади.

Умуман, комиллик Навоий фикрича кишининг инсонлик табиати, имкониятлари ва маънавияти чегараларидаги комиллик бўлиб, бунинг олий босқичи Аллоҳ моҳияти ўз вужудида мавжуд бўлганлиги учун Аллоҳнинг мукамаллиги, жилоси, зиёсини ярақлаган ойнадек акс эттира олиш, уни бевосита туйиш ва тан олиш, “таслим бўлишдир”. Бу ниҳоясиз риёзатлар ва маърифат орқали мумкин бўлади [19;31]. Шу жойда алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоий диний-ирфоний билимлар қатори дунёвий билимларни эгаллашни ҳам тарғиб этади. Бу фикрларимизни у яратган бадий образлар, жумладан, “Хамаса”даги “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод, Суқрот, Хусрав образлари орқали билдирилган фикр мулоҳазалари орқали англашимиз мумкин.

Навоийнинг дostonлари, ғазаллари ва маснавийларини шарҳлаб жонсиз, кўпроқ ёр ишқида девона муштоқ ошиқнинг ҳолати, сўзлари ва афкорига кўп дуч келамиз. Сабаби ёр, ҳақ, Аллоҳ ва унинг макрига муҳаббатига эришишни билдирса, ошиқ ҳаққа интилган комил инсонни англатади. Демокчимизки бизга оддий сўз ё образ, воқелиқдек туюлган жараён замирида Ҳазрат Алишер умумфалсафий, илоҳий-кайҳоний ва ахлоқий маъноларни мужассамлаштирган. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод образи ҳам шунчаки ишққа эмас, балки илоҳий ишққа мубтало, комилликка интилган шахс ҳисобланади. Ушбу дostonни чуқур таҳлил этсак, Навоий Фарҳод образи орқали комил инсон сифат ва фазилатларини баён қилганига амин бўламиз. Фарҳод табиатан

қобилиятли, интилувчан ва раҳмдил, камтар инсон. У яхшилик ва адолат қарор топиши учун ўзини аямайди, моддий бойлик, тожу тахт ва мартаба, нафс балосини кучайтирувчи воситалар сабаби бўлгани учун у улардан тамоман воз кечади. Отасининг тожу тахтини инкор этиб, ўзгача оламда яшашни ихтиёр қилган Фарҳодни атрофдагилари тушунишмайди. Унинг кўнглини кўтариш учун эса янги моддий неъмат ва зеб-зийнатга зўр берадилар, барча шароит ва қулайликларни, моддий гўзалликни ҳозирлайдилар. Аммо Фарҳоднинг руҳияти ўзгармайди. Навоий бу воқеа орқали илоҳий ишқ дарди ва комилликка интилувчи инсон билан моддий бойлик ва мол-дунёга боғланиб қолган кишилар ўртасидаги руҳий-маънавий тафовутни кўрсатмоқчи бўлади.

Натижалар. Эътиборли томони шундаки Фарҳоднинг ўзи бу ҳолатини, яъни яширин дард ва руҳий ташналик моҳиятини англаб етмайди. Кейинчалик замонасининг донишманд шахслари кўмагида у ошиқлик дардини билиш учун аввал ўзлигини билиши ва англаши керак эканлигини фаҳмлайди. Чунки тасаввуф илмида ҳам, Шарқ халқлари фалсафасида ҳам Яратувчи, борлиқ ва табиат сирлари ва қудратини фаҳмлаш учун аввало ўзлигини англаш ғояси мужассамдир. Ўзликни англаш эса ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини бошқариш каби ўз-ўзини ташкиллаштириш элементларининг ўзаро уйғунлиги ва ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиши билан изоҳланади. Бу эса синергетик ғояларнинг муҳим ижтимоий, фалсафий характери билдиради. Синергетика инсоннинг билиш қобилиятини чекловчи бир хиллик қолипларидан халос қилувчи таълимот сифатида муҳим аҳамият касб этади. У кишилик тараққиётида ҳар бир шахснинг маънавий баркамоллиги ва етуқлигини таъминлашга, жамият ва ижтимоий жараёнлар меъёрларини белгилаш ва ўзгартиришга катта таъсир ўтказади. Бунда ночизиқли таҳлил ва тафаккур тарзи янги билимларнинг шаклланишига кенг имконият яратиб, масалага тўғри муносабатда бўлишни таъминлаб беради ва бир ёқламаликни бартараф этади [20;37]. Навоий ҳам айнан шундай синергетик тамойил ва ғоялар асосида Фарҳод образи орқали инсоннинг ночизиқли тафаккур тарзи орқали оламни ва одамни англаш, ўзлигини билиш ва мутлақ комилликка эришиш мумкинлигини айтиб ўтади.

Шу тариқа Фарҳод ўзлигини англаши, билиши, ва илоҳий ишқ моҳиятини идрок этиб ҳаққа етмоғи учун баркамолликка интила бошлайди. Достонда келтирилган образлар - Суҳайло сабаб ирфоний билимини, руҳий оламини бойитса, Суқрот ёрдамида дунёвий ва кайҳоний билимлар ва фалсафий моҳият, ҳикмат илмини ўрганиб, ўзини англай бошлайди. Орада Хизр кўмагида ғайб илмини ҳам ўзлаштиради.

Навоий Фарҳоднинг Суқрот ҳузурига келгунга қадар воқеани баён этиб, Суқрот таърифига ўтади. Сабаби, фалсафий қонунлар, қарашлардан хабардор шоир Суқротни комил инсон деб билган [21;203-204]. Камолот чўққисига чиққан юнон файласуфи ўзи бир жойда бўлса-да руҳи бутун оламда сайр қилади, олдиндан кўзгу каби воқеа ҳодисаларни ҳам кўра олади. Шу маънода Навоий айтади:

*«Анинг кўрганда кўзгудек жамолин,
Сенга англагусидур кўзгу ҳолин»* [21;203].

Фарҳодни кўрган Суқрот унинг муддаосини англаб, бир қанча маслаҳат ва насиҳат қилади. Муҳими Суқрот олам, одам, ҳаёт ва табиат қонунлари, тузилиши, вазифаси, моҳияти ва ишқи илоҳий, ишқи ҳақиқий хусусида тўлиқ маълумот беради.

Шу тариқа “Хамса” дostonларидан фалсафий қарашлари орқали Навоий комил инсон сифатлари ва фазилатларини тушунтириб бердики, бу ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсоннинг муҳим элементлари, хусусиятларини билдиради.

Шу ўринда Навоийнинг ишқни маротиб - (мартаба, яъни даража. Б.Р.)ларга ажратганига ҳам фалсафий муносабат билдириш лозим. Зеро ишқ орқали у инсон руҳий-маънавий оламни, унинг хусусиятларини мушоҳада қилади. Ҳаёт фалсафаси, муҳаббат фалсафасини тадқиқ этаётган олимларимиз Алишер Навоийнинг ишқ масаласидаги фикрлари ва қарашларини кенг ўрганиб тадқиқ этсалар, айна муддао бўлади. Чунки, замонавий фалсафа ва психологияда ўрганилаётган муҳаббат, севги, инсоний ҳистуйғулар таълимоти ва тавсифи бир неча аср олдин буюк бобомиз асарларида таҳлил этилган. Жумладан, «Маҳбуб ул-қулуб»да ишқнинг маротиблари борлигини айтиб, Навоий уларнинг уч турини қайд этади: 1) нафсоний ишқ (авом ишқи); 2) мажозий ишқ (ҳавас – хос кишилар ишқи) ва илоҳий ишқ (авлиёлар ишқи). Илмий адабиётлардаги шарҳларга кўра Навоий ишлатган «маротиб» сўзи тариқат аҳлининг истилоҳларига хос бўлиб, у солиқнинг руҳий-маънавий тараққиёт даражасини белгилайди. Бундан хулоса қилиб, ишқ инсон камолотининг даражасини кўрсатувчи руҳий-маънавий ҳолати, дейиш мумкин. Шу нуқтаи назардан комил инсоннинг хусусият ва хислати унинг ишқий муносабатлари билан ҳам белгиланади.

Навоий ўз ғазалларида ҳам ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини назорат қилиш хусусиятларини инсоний фазилат даражасида кўп талқин этади. У ҳар бир инсон то ўзини ўзи билмас, танимас экан, ўзгалар уни танимайди ва билмайди деб айтади ва «Эл нетиб топғай меникам, мен ўзимни топмаман» [21;204] деб хулоса чиқаради.

Навоийнинг яна бир машҳур ва элга манзур бир ғазаллари бор. У қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Қаро кўзим, келу мардумлиқ эмди фан қилғал,

Кўзим қаросига мардум каби ватан қилғил.

Бу ғазалда ишқи инсоний эмас, балки мажозий ва илоҳий ишқ мужассамлашган. Яъни ошиқнинг баркамоллиги ва комиллик тимсоли – комил инсон муҳаббати ифодаланган. Байтнинг мухтасар мазмуни шундай: Қаро кўз ёрим, кел, энди одамийлик мурувватини одат айла (яъни ўрганиб ол; кўзимнинг қарочиғига гавҳар (қорачиғ) каби маскан қил (ўрганиб ол). Шоир қорачоғидай асрашга интилувчи, унга талпинувчи энг азиз ва маҳбуби-қора кўзи-комил инсон ҳисобланади. Шу ўринда эслатиш жоизки, тасаввуф луғатларида кўз-комил инсон ўзини кўрмайди. Шу сифати орқали у фақат ўзгаларни кўради, ўзини кўрмайди. Шу сифат билан у илоҳий сифатини намоён этади. Навоий қаҳрамони шу инсонни ўз кўзининг гавҳарига айлантирмоқчи – қалб чироғи этмоқчи бўлади [22]. Англанадики, Шарқ ва антик давр фалсафасидан яхши хабардор бўлган буюк мутафаккир ўзининг шеърларида мажозий маънолар, сўз санъатидан фойдаланиб ўзининг фалсафий ғояларини акс эттирган.

Хулоса. Ҳазрат Алишер Навоийг ижодиётида қандай жанр ва услубда бўлмасин инсон ва унинг руҳий-маънавий ҳолати, даражалари ва хусусиятлари фалсафий талқин ва тадқиқ этилган. Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсоннинг тарихий концепцияси – комил инсон хислати, хусусият ва ахлоқий-маънавий даражалари ҳам кўрсатилган.

Инсон маънавий ва ахлоқий юксалиши, баркамоллиги, етуклиги, соф туйғу ва ақлий билишининг ривожланиши, руҳиятининг мустаҳкамлиги ва тафаккур

тараққиёти борасида Навоий бобомизнинг маънавий мероси муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Зеро, Навоийнинг фалсафий қарашлари ва ахлоқий таълимоти бугун ҳам кечагидек замонавий ижтимоий, маънавий муҳитни соғломлаштириш ва барқарорлаштиришда муҳим маънавий мерос бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир ёшларимизда идеал шахс ва комил инсон тимсоли бўлиб ўрганилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Навоий. Сайланма. -Т.: Ўзбекистон НМИУ. Б.13.
2. Навоий А. Танланган асарлари. 3-том. Т. Муҳокамотул луғати. Бертельс. 2. Жомий.
3. Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти.2013. Б.139.
4. Комилов Н. Маънолар оламига сафар: Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар /. Н.Комилов –Т.: Тафаккур, 2012. –Б.279.
5. Комилов Н. Тасаввуф. –Б.148.
6. Тураев Б. О., Ризаев И. И. Синергетическая методология в контексте изучения духовного наследия //Редакционная коллегия. – С. 313.
7. Алишер Навоий. Хамса. Тошкент-1986. “Фарҳод ва Ширин”. XIX боб. Б.147.
8. Навоий А. Ҳайратул аброр [Elektron resurs] // http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/xamsa_hayratul_abror_ettinchi_tom/hayratul_abror/1-10/
9. Навоий А. Хамса: Ҳайратул аброр. МАТ: 20 томлик. 7 т. –Т.: Фан, 1991. –Б. 103.
10. Аъзам А. Муножотнома (Алишер Навоийнинг “Муножот” асарига шарҳ.) –Т.: Мовароуннахр, 2018. –Б.29.
11. Толстой Л. Иқдорнома. Шарафиддинов О. таржимаси. –Т.: Маънавият, 1998. –Б.37.
12. Буданов В.Г. Методология синергетики в постнеклассической науке и в образовании [Электронный ресурс] // http://spkurdyumov.ru/uploads/2013/08/budanov_2908.pdf (Дата обращения: 19.02.2022)
13. Алишер Навоий. Ҳайрот ул-аброр. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 7 том. –Т. Фан. 1991. Б.239
14. Imomaliyevich R. I. Synergetics: The Path from General Systems Theory to Self-Organization //Global Scientific Review. – 2023. – Т. 22. – С. 317-324.
15. Навоий А. Хамса: Фарҳод ва Ширин. МАТ: 20 томлик. 8 т. –Т.: Фан, 1991. –Б.132.
16. Майнцер К. Сложность и самоорганизация / Синергетическая парадигма. Многообразие поисков и подходов. –М., 2000. –С.60.
17. Ястребова Е.Ю. Смысл жизни как социализирующий фактор личности: Автореф. дис.... канд. филос. наук. –Санкт-Петербург, 2003 // [Электронный ресурс] // Сайт С.П.Курдюмова, 2003-2019. (Дата обращения: 24.07.2020)
18. Олим С. Нақшбанд ва Навоий. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –Б. 12.
19. Зоҳидов А. Алишер Навоийнинг комил инсон тўғрисидаги қарашларининг ҳозирги замон учун аҳамияти // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Тошкент, 1991. – №11. – Б. 31.
20. Хакен Г. Тайны природы. Синергетика наука о взаимодействии. Перевод с нем. Логунова К. – Москва, Ижевск, 1997. –С.37.
21. Навоий А. Хамса. –Т.: 1960. –Б.203-204.
22. Alikulov S. A., Rizaev I. I. Methodological problems of research of social systems //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 2. – С. 717-720.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 9 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).